

МЕМОРИАЛ УЙ МУЗЕЙЛАРИ ҲАҚИДА

Назарова Дилноза

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси тадқиқотчиси

тел: +99897 763 83 05 dilnoza.nazarova8080@gmail.com

Мемориал музейлар муҳим тарихий воқеалар, давлат, сиёсат, жамоат ва ҳарбий арбоблар, фан, адабиёт ва санъат намояндаларига бағишланган муассасадир. Мемориал музейлар, одатда, давлат томонидан муҳофиза қилинаётган ёдгорлик мажмуалари (воқеа бўлиб ўтган жойлар, машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ уйлар, мемориал музейлар тўпламлари) негизида барпо этилади. Мемориал музейлар нодир моддий, тасвирий ва ёзма манбаларни сақлайди, ўрганади, уларни ташвиқ қилади, маданий-маърифий ва илмий ишлар олиб боради.

Ватанимиз тарихида ўзига хос ўчмас из қолдирган машҳур ижодкорлар – шоирлар, адиблар, давлат, фан ва санъат арбоблари хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг узок йиллар яшаб ижод қилган манзиллари – уйларининг музей сифатида халқимизга хизмат қилиши ибратли ҳолдир. Халқимиз азалдан ўз аجدодларининг ақлий салоҳияти, истеъдоди, ибратли умр йўллари билан ҳақли равишда фахрланиб келган. Ижодкорларнинг ўлмас асарлари, машҳур санъат асарлари ҳамиша эл ардоғида бўлган. Ватанимизда ана шундай буюк инсонлар хотирасига бағишланган бир қанча уй-музейлар фаолият юргизиш келмоқда.

Республикамизда фаолият юритаётган мемориал музейлардан бири мусиқа маданияти ривожланишига муносиб ҳисса қўшган композитор, СССР халқ артисти, миллий опера асосчиларидан бири, дирижёр Мухтор Ашрафий уй-музейидир. Музей композитор таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан 1982 йил 11 июнда унинг 1965-1975 йиллар яшаб ижод этган уйида ташкил қилинган. Музей унинг ҳаёти ва ижодини ёритишга бағишланган бта экспозиция залдан иборат [1].

Музейда М.Ашрафийнинг 1930-1970 йиллардаги шахсий архиви сақланган. Шу билан бирга музейда нодир қўлёзмалар, расмлар, хужжатлар, афишалар, спектакл дастурлари, китоблар, мусиқий ёзувлар, грампластинкалар ва ўзбек мусиқа асбоблар тўплами мавжуд. Музейда кичик кўргазмалар ва камер концертларини ўтказадиган мусиқий зал мавжуд. Бу ерда М.Ашрафий асарларининг аудио ёзувларини тинглаш мумкин [2].

Мемориалнинг биринчи залида М.Ашрафийнинг 1912 йилдан 1945 йилгача бўлган дастлабки ҳаёт-фаолиятини ўз ичига олувчи турли экспонатлар жойлаштирилган. Иккинчи ва учинчи залларда М.Ашрафийнинг тағиз ташкилотчилик ва дирижёрлик фаолияти ҳамда Ленинград давлат консерваторияси қошидаги опера студиясининг операларини ижроси билан боғлиқ репертуар планлар тақдим этилган [3].

Тўртинчи залда томошабинлар Алишер Навоий номидаги ДАКТ композитори ва дирижёри М.Ашрафийнинг 1960-1970 йилларда яратган опера ва балет спектакллари билан танишади. Бешинчи зал эса бастакор ҳаётининг 30 йилини республика учун муסיқачи кадрлар етказиб беришга бағишланган композиторнинг педагогик ва жамоатчилик ишлари билан таништиради [4].

Олтинчи зал композиторнинг ижодхонаси бўлиб, ҳозирги кунда унга қандай ўзгартириш киритилмади. Композиторнинг кўп қиррали ижодий иш жараёнлари сақланиб қолинган. Ижодкорнинг махсус камера муסיқаси учун хона бўлиб, музей ҳовлисининг қўйи қаватида жойлашган [5]. Бу ерда ёғочдан ясалган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган ўзбек халқ муסיқаси асбоблари жойлашган. Бу асбоблар ижодкорни ҳаётлик чоғида уста А.Абдуллаев томонидан совға қилинган [6].

1964 йилда Самарқандда бунёд этилган опера театрининг ташкилотчиси бўлган М.Ашрафий бутун ҳаётини янги муסיқа маданиятини ривожлантиришга бағишлади [7].

Мухтор Ашфарий уй-музейининг асосий ташриф буюрувчилари олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейлар, асосан, муסיқа йўналишидаги талабалардир. Кўпинча бу ерда сиз Давлат консерваторияси талабаларини учратишингиз мумкин. Бу ерда хорижликлар ва пойтахт меҳмонларини учратиш жуда кам учрайди, чунки, афсуски, Мухтор Ашрафий музейи Тошкентнинг сайёҳлик йўналиши бўйича йўриқномаларга киритилмаган. Аммо шунга қарамай, бу эрга таниқли бастакор ижодига узоқ вақтдан бери қизиққан бошқа мамлакатлардан муסיқачилар келишди. Қизиғи шундаки, музейда “Дўстлик китоби” йўлга қўйилган бўлиб унда ташриф буюрган сайёҳларнинг Мухтор Ашфарий ижоди, дўстлик ёки у билан эндигина танишиш, музейга ташриф буюриш ҳақидаги таассуротларини ўқишингиз мумкин [8]. Бугунги кунда ҳам композитор опера ва балет спектакллари учун яратилган ажойиб муסיқалари республика ва хорижий саҳналарда жарангламоқда. Бу биз учун фахр ҳиссини уйғотади.

Ўрол Тансиқбоев рассом ва жамоат арбоби. У Ўзбекистондаги бошқа санъат асосчилар каби мушкул, оғир йилларда, дунёда уруш ва бошқа драматик ҳодисалар юз берган вақтларда ҳаёт кечирган. Рассом уларни четлаб ўтмай, уларда санъатнинг гўзал саҳифаларига бўлган ишончни уқтирган. Ўз даврининг оғир масалаларига у муносиб тарзда жавоб қайтариб, рассомнинг энг яхши асарлари эса – миллий маданият тарихидаги атоқли устанинг маҳоратидан далолатдир. Фаолияти даврида арбоб сифатида ҳам қатор ишларни амалга оширган. Унинг бир нечта асарлари жумладан, «Чирчиқ водийси» (1940), «Қайроққум ГЭСи тонги» (1957) асарлар тўплами Москва шаҳрида жойлашган Шарқ халқлари санъати давлат музейи сақланмоқда. «Она ер» ва «Иссиқкўл оқшоми» (1951) асарлари Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон санъат музейи, «Тоғ манзараси» (1963), «Баҳорги шудгор» (1965) асарлари Олмаота шаҳридаги А.Кастеев номидаги Қозоғистон давлат санъат музейида сақланади. Шунингдек,

унинг беш юздан ортиқ асарлари Нукус шаҳридаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида сақланмоқда [9].

1934 йилда Москвада, шундан кейин АҚШнинг Филадельфия шаҳрида Ўзбекистон санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтган. Бу кўргазмаларда Ўрол Тансиқбоевнинг асарлари намойиш қилинган. Шундан сўнг бу рассом асарлари “Ўзбек рангшунослигининг чўққиси” деб эътироф этилган.

1967 йилдан бошлаб рассом ва унинг рафиқаси Елезавета Яковлевна яшаган хонадон уй-музейига айлантирилган. Унинг асарлар, ўзи фойдаланган иш ва уй жиҳозлари шу ерда сақланади. Рассомнинг мазкур уйи 1981 йил 16 январдан уй-музей сифатида фаолият бошлаган бўлса-да, унинг иш устахонаси аввалроқ 1978 йилдан ёдгорлик биноси деб эълон қилинган эди [10].

Музейда жами 4550 экспонат мавжуд юўлиб, рассомга тегишли бўлган ҳужжатлар, кутубхонаси ва ёзишмалари киради. Уй музей тўғридан тўғри Санъат музейига бўйсунди [11].

Тансиқбоев мемориал уй-музейини унинг ҳаёти ва ижоди мисолида сақлаш, ўрганиш ва оммалаштиришга қаратилган. Музейнинг мемориал қисмида рассом умрининг охири етти йилини (1967-1974) ўтказган. Галерея қисми 1994 йилда рассом таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан фойдаланишга топширилган. 2021-йилдан буён музей Ўзбекистон Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги тизимида фаолият олиб боради [12].

Уй-музейнинг асосий фонди ҳужжатлар, кутубхона, фотосуратлар, уй-рўзғор буюмлари ва этнография, амалий санъат, рангасвир, графика ва ҳайкалтарошлиқдан иборат. Унинг устахонасида намойиш этилаётган альбомларда атоқли мўйқалам устасининг ҳаёт ва ижод йўли тўғрисидаги 2500 дан кўпроқ фотосуратлар ва ҳужжатлар тўпланган [13].

1994-1998 йилларда уй-музейига ташриф буюрувчи зиёратчилар экспозиялар ҳақида қуйидаги жадвал орқали билиш мумкин [14].

Йиллар	Зиёратчилар	Экспонатлар	Кўргазмалар сони
1994 йилда	5779	4550	8
1995 йилда	5786	4550	6
1996 йилда	5281	4550	8
1997 йилда	5652	4550	6
1998 йилда	6009	4550	8

2022 йил 22 ноябрда Париждаги Араб дунёси институтида Ўзбекистон халқ ва амалий санъатининг XIX аср ўрталари – XX аср бошларигача бўлган даврда яратилган ноёб асарлари кўргазмаси очилади. Нукус шаҳрида жойлашган Савицкий давлат санъат музейи экспонатлари кўргазма негизини ташкил этади. Улар орасида XX асрда ижод қилган ўзбекистонлик рассомларнинг Туркистон авангарди олтин фондига

киритилган асарлари ҳам бор. Танлаб олинган экспонатлар орасидан Ўрол Тансиқбоев мўйқаламига мансуб асарлар жой олган. [15].

Ҳозирда уй-музейда рассомнинг барча даврларини ўзига қамраб олувчи каталог устида иш олиб борилмоқда. Бундан ташқари ёш тадқиқотчи Л.Мирзабаева рассомнинг ижодий йўналиши географиясини ўрганиш устида тадқиқот олиб борилмоқда. Музей архиви қайта ишланиши музейда олиб борилаётган аҳамиятга молик илмий ишлардан биридир. Чунки бундай жараёнда, ижодкорнинг ижодий ва меҳнат фаолияти ҳамда ҳаётига оид ўрганилмаган қирралари, ноёб маълумотлар топилиши, тадқиқотчилар учун янгилик яралиши табиий.

Муסיқа санъатида ўчмас из қолдирган ижодкор, композитор ва хофиз, улкан ва беқиёс муסיқий меросимиз соҳиби Юнус Ражабийдир. 1989 йил 13 сентябрда Юнус Ражабийни 1956-1976 йилларда яшаб ижод қилган хонадони уй-музейга айлантирилди. Музейда мингдан ортиқ ашулалар, рақс ва чолғу куйлари, мақомлар жам қилинган. Ушбу муסיқа асарлари ўзининг ва шогирдларининг жонли ижроларида айтилган. Бугунги кунда уй-музейи зиёратчилар талабларига кўра созандаларнинг жонли ижроларини тинглаб диск ёзувларидан харид қилишлари мумкин [16].

Музей 1997 йил декабр ойида Юнус Ражабийнинг 100 йиллик юбилейи ўтказилиши арафасида, тажрибали музейшунос ва рассомларнинг заҳматли меҳнатлари натижасида музей экспозицияси тайёрлаб битказилди ва зиёратчилар учун очилди [17].

Юнус Ражабийнинг, ўзбек муסיқа меросини тўплашдаги хизматлари катта. Музейнинг илмий рўйхатида жами 2717 та буюм мавжуд бўлган [18]. Музейда ўзбек муסיқаси ва мақомларига ажратилган алоҳида зал бўлиб, бунда ноёб ҳужжатлар, китоблар, фото суратлар, муסיқа асбобларидан ва шу залга муносиб бўлган бошқа материаллар ҳам берилган [19].

Музейнинг 6 та кўрғазма хонаси бўлиб, унинг ҳар бири маълум воқеликни ёритишга бағишланган; “Ёшлик ва ўсмирлик даври”, “Меъморал хона”, “Ўзбек халқ муסיқаси”, “Шашмақом”, “Абадият”, “Муסיқа тинглаш ва фильмлар кўриш” хоналари ва ҳақозолар. Музейда 6000 мингга яқин экспонат сақланади, шулардан 847 таси музей экспозицияларида кўрсатилган. Экспозицияда Юнус Ражабий ёзган 12 жилдли китоб қўлёзмалари, унга тегишли чолғу созлари (датор, най, танбур), кийим-бошлари, концерт кийимлари, ўзбек халқ чолғу созлари коллекцияси, ўз оиласи, устозлари, шогирдлари ва сафдошларининг мойбўёқда ишланган портретлари, фото-суратлар ва бошқалар ўрин олган. 2008 йилда музейни 5000 га яқин қизиқувчилар зиёрат қилган [20].

Музейда махсус катта зал бўлиб, у ўзбек мақомига бағишланади. Унда Ўзбекистон маданияти муסיқа тарихига доир нодир ҳужжатлар-қўлёзмалар, расмлар ва бошқалар мавжуд. Бу ерда меҳмонлар ва сайёҳлар учун махсус концертлар уюштирилади. Унда ўзбек муסיқаси машҳур артистлар томонидан ижро этилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Юнус Ражабий меросини ўрганишга катта

эътибор қаратилмоқда. Унинг номи билан Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институти ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Институт Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида мақом ижрочилиги, халқ муסיқаси йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи Маданият вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаси шаклида вужудга келди. Ўзбек миллий мақом маркази, Марғилон шаҳридаги Мақом театри, мақомга ихтисослаштирилган муסיқа даргоҳлари юртимизда устоз санъаткор ижодини ўрганишга бўлган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Юнус Ражабий уй-музей Тошкентдаги уй-музейлари орасида энг кўзга кўринган, музей ишини яхши ташкил этган, жуда кўп сонли томошабинларга хизмат қиладиган, яхши экскурсия ишларини олиб борадиган музейлар сирасига киради. Хулоса ўрнида мемориал музейларни ташкил этилиши бугунги кунда ёшлар учун маънавий озуқа ва тарихий факт вазифасини бажаради. Сўнгги йилларда олиб борилган ишлар музейлар тараққиёти учун ҳуқуқий асосдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Темина, Елена. «Теоретические вопросы взаимодействия музыкальных систем устной и композиторской традиции в регионе Востока (на материале творчества М. Ашрафи). Автореф.. дисс. кандидат. искусств. наук. – Москва. 1984.
2. Ўзбекистон миллий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 80-иш, 25-варақ
3. Темина, Елена. Мухтор Ашрафий музейи. – Тошкент. 1987. – С. 4.
4. Темина, Елена. Музей Мухтара Ашрафи. – Ташкент: Литературы и искусства имени Гафура Гулама. 1986. – С. 6.
5. Ўзбекистон миллий архиви, М 7-фонд, 1-рўйхат, 706-иш, 2-варақ.
6. Гласс Ю.И. Тошкент музейлари: (Справочник-йўлқўрсаткич). – Тошкент: Ўзбекистон. 1983. – Б. 73.
7. Темина, Елена. Мухтор Ашрафий олами. – Тошкент. 1986. – С. 8.
8. Рабочий проект реконструкции помещений музея М.Ашрафи с пристройкой экспозиционно-музыкального зала в Ташкенте. Альбом 1. (Пояснительная записка). Т7328/С-48. - Ташкент 1989 г.
9. Ўзбекистон миллий архиви, М 7-фонд, 1-рўйхат, 564-иш.
10. Ўзбекистон миллий архиви, М 7-фонд, 1-рўйхат, 981-иш.
11. Ўзбекистон миллий архиви, М 7-фонд, 1-рўйхат, 714-иш, 2-варақ.
12. Байгануров Р. [Музею Тансыкбаева - 25 лет](#) //Новости Узбекистана. 27 июля 2018 г.
13. Гласс Ю.И. Тошкент музейлари: (Справочник-йўлқўрсаткич). – Тошкент: Ўзбекистон. 1983. – Б. 61.
14. Ўзбекистон миллий архиви, М 7-фонд, 1-рўйхат, 714-иш, 2-варақ.

15. Ўзбекистон миллий архиви, М 7-фонд,1-рўйхат, 1105-иш. 2-варақ.
16. Ўзбекистон миллий архиви, М 7-фонд,1-рўйхат, 563-иш,3-варақ.
17. Ўзбекистон миллий архиви, М 7-фонд,1-рўйхат, 713-иш,5-варақ.
18. Ўзбекистон миллий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 85-иш, 106-варақ
19. Ўзбекистон миллий архиви, М 7-фонд,1-рўйхат, 980-иш, 11-варақ.
20. Элмуродова Ш. Юнус Ражабий уй-музеи // Оуина.uz. портал материаллари

<https://oyina.uz/kiril/article/539>